



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776(E) | SJIF 2023: 6.907

Ш.А.Абдужалилова

ЧДПУ, доцент

“ОИЛАДА ТАРБИЯ АСОСЛАРИ” МОДУЛИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация. Мақолада “Оилада тарбия асослари” модулини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг макбул усуллари ва ундан қай тарзда фойдаланиш йўллари ҳақида фикр юритилади

Калит сўзлар. Мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, “инсерт”, “Биргаликда рганимиз”, пинборд, маъруза, кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференцияю

Использование интерактивных методов в преподавании модуля "Основы семейного воспитания"

Аннотация. В статье рассматриваются оптимальные методы использования интерактивных методов в обучении модули «Основы семейного воспитания» и способы его использования.

Ключевые слова. Общение, кейс, проблемный метод, развивающие игры, «мозговой штурм», «вставка», «Учимся вместе», пинборд, лекция, ознакомительная лекция, наглядная лекция, тематическая, лекция-конференция



The use of interactive methods in teaching the module "Fundamentals of family education"

Abstract. The article discusses the optimal methods of using interactive methods in teaching the module "Fundamentals of family education" and how to use it.

Key words: communication, case, problematic method, educational games, brainstorming, insertion, Learning Together, pinboard, lecture, introductory lecture, visual lecture, thematic, lecture-conference

Кириш

Давлатимиз раҳбари жорий йил 28 февраль куни “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”ни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” давлат дастурида ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони қабул қилди. Мазкур Давлат дастурида Тараққиёт стратегиясида белгиланган 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликлари илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалга жорий этиш мақсади доирасида “янги авлод дарсликлари ўқувчиларнинг коммуникатив кўникмалари, танқидий ва креатив фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш ва тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш”га йўналтирилган тарзда тайёрлаш белгиланган.

Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни технологиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда педагогик технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислохотларнинг диққат марказидан ўрин олган.

“Оила педагогикаси” фанининг таълим технологияларини лойиҳалаштиришда Жаҳид педагоги, биринчи ўзбек профессори, олим мутафаккир Абдурауф Фитратнинг “Оила”[2] илмий педагогик рисоласини таҳлил қилиш орқали Оила педагогика фанида Фитратнинг илмий асарларини ўрганиш педагогик меросидан фойдаланиш технологиясини ҳаётга тадбиқ этиш орқали мутафаккурнинг ўлмас педагогик меросини ўрганиш ҳозирги долзарб муаммолардан биридир.

Муҳокама

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Фалсафа, педагогика ва психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади. Шулардан келиб чиққан ҳолда “Оила педагогикаси” фанининг таълим технологияларини



лойиҳалаштиришда куйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълимжараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутди. Бу эса Давлаттаълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳаманглатади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассамқилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

Амалий ёндашув. Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълимжараёнини йўналтириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шартқилиб қўяди.

Диалогик ёндашув. Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ватақдимот кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўздатутади.

Муаммоли ёндашув. Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилишасосида ўқувчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усулларида биридик. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади.

Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларида фойдаланиш, яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш. Юқоридаги концептуал ёндашув ва “Оила педагогикаси” фанининг таркиби, мазмуни, ўқув ахборот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг куйидаги усул ва воситалари танлаб олинди.

Ўқитиш усуллари ва техникаси: мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, “инсерт”, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний).

Ўқитишни ташкил қилиш шакллари: фронтал, коллектив, гуруҳий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.



Ўқитиш воситалари: одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянчконспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Ўзаро алоқа воситалари: назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнингдиагностикаси (ташхиси).

Б/Б/Б чизмаси

Б/Б/Б чизмаси – Биладан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Ўқувчилар:

1. Жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.

2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.

3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

4. Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ		
Биладан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

“Оила педагогикаси” фанининг мақсад ва вазифалари” мавзусига доир тоифалаш жадвали

Оила педагогикаси фанининг предмети	Оила педагогикаси фанининг мақсади	Оила педагогикаси фанининг вазифалари	Оила педагогикаси фанининг илмий тадқиқот методлари

Концептуал жадвал

Концептуал жадвал: ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Тизимли фикрлаш,



маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Ўқувчилар:

1. Концептуал жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятларни ажратадилар

2. Алоҳида ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдирадилар:

- *узунлик бўйича* таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;
- *ётиги бўйича* таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

3. Иш натижаларининг тақдимоти.

“Оилавий тарбияда тарбия турлари” мавзусидаги концептуал жадвал (лавҳа)

	Тарбия турлари			
	Ахлоқий тарбия	Эстетик тарбия	Маънавий тарбия	Экология тарбия
Кийиниш				
Саломлашиш				
Хурмат, эҳтиром кўрсатиш				
Мутафаккирлар меросини ўрганиш				
Сув, табиат неъматлари тежамкорлигига қайғуриш				

Венн диаграммаси

Венн диаграммаси- 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.


Ўқувчилар:

1) кичик гуруҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларида Навоий ва Фитратнинг оилавий тарбияга оид фикрларини ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар.

2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар.

3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доира учун умумий бўлган фикрлар рўйхатини тузади.

4) иш натижаларининг тақдимоти.



Икки қисмли кундаликлар

Икки қисмли кундаликлар (Берталф, 1981) ўқувчиларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий қизиқувчанлигини қондириш имконини беради. Айниқса, ўқувчилар қандайдир адабиётларни ўқув аудиториясидан ташқари ўқиб чиқиш топшириғини олишганида икки қисмли кундаликлар фойдалидир.

Икки қисмли кундалик учун ўқувчилар ёзилмаган қоғознинг ўртасидан тик чизик ўтказиб, уни иккига ажратишлари керак. Қоғознинг чап томонига матннинг қайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Эҳтимол, у қандайдир хотирани уйғотар ёки ҳаётларида юз берган воқеаларни эсга туширар, ёки шунчаки таажжубга солар. Ёхуд уларнинг қалбида кескин норозилик ҳиссини уйғотар. Ўнг томонида улар шарҳ беришлари керак: айти шу цитатани ёзишга уларни нима мажбур этди? Уларга қандай фикрлар уйғотди? Шу муносабат билан уларда қандай савол туғилди? Қисқаси, матнни ўқиркан, ўқувчилар вақти-вақти билан тўхташлари ва ўзларининг қўшалок кундаликларида шундай белгилар қўйиб боришлари керак.

Қуйида ана шундай икки қисмли кундаликка мисол келтирамиз:

Оила	
Ота-она	
Фарзанд	
Оилавий муносабатлар	
Оилавий нозолар	

Бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш

Талабалар одатда семинар машғулотларида жавоб бериш учун маърузалар тайёрлашади. Бунинг учун талабаларга маърузалар тайёрлаш йўллари ва



имкониятларини ўргатиш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири – бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур маъруза жадвал ҳолатида тайёрланиб, талабага жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун талаба беш устундан ва материалнинг ҳажмига қараб бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юқоридаги қатордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини кўрсатишади: дарсликлар, журнал мақолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катакнинг ҳар бир қаторига талаба мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур бўлган саволни ёзади:

Саволлар	Дарслик	Журнал мақолалари	Интернет материаллари	Интервью
Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари?				
Фарзанднинг ота-она олдидаги вазифалари?				
Никоҳ шартномаси?				
Оила кодексининг мақсади нималардан иборат?				
Келин-қайнона муносабатлари юзасидан муаммолар?				
Ўзбекистон Конституциясининг оилавий муносабатларга оид моддалари мазмуни?				
Мутафаккирлармизнинг оилавий тарбияга оид ғоялари?				


Ёзма ва оғзаки “Давра суҳбати”

Ёзма “Давра суҳбати” – бу биргаликдаги ўқитиш методи бўлиб, бунда қоғоз ва ручка доимо айлана бўйлаб, ўйин иштирокчиларининг кичик гуруҳи орасида узатиб турилади. Мисол учун, шериклардан бир қандайдир ғояни ёзиб, кейин варақни чап томонидаги шеригига узатади. У ўша ғояга ўзининг қандайдир мулоҳазаларини қўшади ва варақни кейинги кишига узатади. Ушбу русум-қониданинг бошқа вариантыда ҳар бир иштирокчи ёзувини ўзининг ранги билан ёзади. Бу умумий фикрни шакллантиришда қўшилган ҳиссани кўринарли даражада кўрсатиб туради ва ўқитувчига тушунишга ва ҳар бирининг иштирокини қайд қилишга ёрдам беради. Оғзаки “Давра суҳбати” – бу биргаликда ўқитиш методи бўлиб, олдингисига ўхшайди, фақат у оғзаки шаклда

ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбати билан олдинги одам айтган фикрни илғаб олади ва ривожлантиради.

Ёзма “Давра суҳбати”

(Ҳар ким ёзади ва варақни чап томондаги қўшнисига узатади)



Оғзаки “Давра суҳбати” (Ҳар ким ўз фикрини айтади ва сўзни чап томондаги қўшнисига беради)

Шунингдек, кластер -ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омилатрофида ғояларни йиғиш, билимларни фаоллаштиришни тезлаштириш, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Амалга оширилиш технологиялари бўйича, ўқувчиларга ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига “Оилавий тарбия” деган мавзу номи ёзилади. Сўнгра, жадвални тузиш қоидаси билан ўқувчилар таништирилади.

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўзлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилиб борилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштириш берилган бош сўзнинг давоми, маънодоши ва тўлдириувчиси сифатида танланиш имконини беради. Бу “йўлдошлардан” “кичик йўлдошлар” чиқарилади. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунча давом этиши мумкин. Мазкур методни “Оилавий тарбия” нинг ҳар бир тармоғининг якуний тушунчаси “комил инсон” ёки “баркамол авлод” сўзи билан якунланиши юзасидан берилган топшириқ айниқса, ўқувчиларнинг мантикий фикрлаши, фикрлар тарқоқлигининг умумий характерга эгаллигини англашларига ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбек оиласининг тарихий-тадрижий тараққиётини қиёсий ўрганиш мустақиллик даврида оилавий тарбияни тўғри ташкил қилиш ва йўналтириш тамойилларини бойитишга назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Халқимизнинг маънавий-маданий-маърифий мероси, миллий қадрият ва анъаналар, донишманд уламоларнинг ҳикматлари, тарихда



ўтган миллий қаҳрамонларнинг ҳаёти ва фаолияти ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашга самарали таъсир қилади.

Оилавий тарбиянинг назарий муаммоларини ҳал этиш мустақил республикамиз қудратини, Ватан ва халқ фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган, келажаги буюк давлатни барпо этадиган баркамол инсонни тарбиялашнинг асосларидан бирини ташкил этади.

Қуйидаги муаммо бўйича олиб борилган натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни берамиз:

- “Оила педагогикаси” фанини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланишга мўлжалланган мукамал ўқув қўлланма ва услубий қўлланмалар яратиш;
- интерфаол методлар орқали ёшларни оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: “Маънавият” 2006
2. А.Фитрат. Оила. Тошкент “Маънавият” 1998.-111б.
3. Абдуваҳобов У. Шахс (Комил инсон ҳақида).- Т.: Ватан, 1996. – 20 б.
4. А. Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ - Т.: Ўқитувчи, 1992. –160 б.
5. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил.”Ал-адаб ал-муфрад “(Адаб дурдоналари) //Тарж., муҳар. ва изоҳлар муал. Ш.Бобохонов.- Т.: Ўзбекистон, 1990. –199 б.
6. Амир Темур ўғитлари //Тўплам. Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов.- Т.: Наврўз, 1992. - 64 б.
7. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари.- Т.: Фан, 1990. – 172 б.
8. Abdujalilova S. (2022). Abdurauf Fitrat's Interpretation of " Music Pedagogy" Issues in Pedagogical Education. International Journal of Culture and Modernity, 12, 41-45.